



Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 6 сентябрь
сешанба
№ 34 (1342)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



Янги ўқув йилида неча нафар бола 1-синфда ўқишни бошлади?

5 сентябрь куни Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 10 085 та мактабда 2022-2023 ўқув йили дарслари бошланди. Жорий ўқув йилида 702 000 нафар болажонлар умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинди. Уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари топширилди.



ИЖАРА УЙ УЧУН КИМ СОЛИҚ ТўЛАЙДИ?

– Мен билан уйнинг эгаси ижара шартномаси тузса, хонадон эгаси солиқ тўлайдими ёки менми? Ижарага берилган уй учун солиқ миқдори қанча?

3-бетда ўқинг ➤



КУТУБХОНАЧИЛАРНИНГ УЧ ЙИЛЛИК УСТАМАСИ УНДИРИЛДИ

4-бетда ўқинг ➤



Тошкент давлат юридик университетида 2022-2023 ўқув йилида талабалikka тавсия этилган абитуриентларни университет ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида “Таништирув ҳафталиги” ўтказилмоқда.

ТДЮУда “ТАНИШТИРУВ ҲАФТАЛИГИ” БОШЛАНДИ



Ҳафталик “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шиори остида ташкил этилган байрам тадбири билан бошланди. Тадбирда университет раҳбарияти, фахрий профессорлар ва талабаларнинг ота-оналари сўз олиб, университетга қадам қўётган талаба-ёшларнинг ўқиши ҳамда келгусидаги фаолиятига омад ва муваффақиятлар тилади.

Байрам тадбири давомида талабаларнинг рамзий қасамёд маросими ўтказилиб, уларга рамзий талабалик гувоҳномаси топширилди.

Шундан сўнг университетнинг катта мажлислар залида “Ректор ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Тадбир давомида йигит-қизларга университетда талабаларнинг таълим олиши учун яратилган шароит ва имкониятлар, илмий мактаб ва тўғарақлар, турли клублар фаолияти, ёш менторлар жамоаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Учрашувда талабалар университет раҳбариятидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ҳафталиқнинг илк куни доирасида талабалар университет биноларида яратилган шароитлар, кафедралар ва таркибий бўлинмалар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ўз мухбиримиз

1 СЕНТЯБРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

- ✓ Интеллектуал мулк объектларини реестрга кири-тиш тўғрисидаги аризаларни электрон тартибда юбориш йўлга қўйилди.
- ✓ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддаси ҳуқуқбузарлари гепатит "В" ва "С" текширувларидан ўтказиладиган бўлди. Яъни, 2022 йил 1 сентябрдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс-ларга нисбатан жавобгарликни белгилаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг "В" ва "С" турларига скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби жорий этилди.
- ✓ Мураккаб операцияларни бажарган хирургларга қўшимча устама жорий этилди.
- ✓ Давлат хизматларидан фойдаланишда Мобил-ID тизими жорий этилди.
- ✓ Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим фуқароларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.
- ✓ 2022 йил 1 сентябрдан, яъни 2022/2023 ўқув йи-лидан бошлаб, спорт мактабларининг айрим хо-димларига устамалар тўлаб берилади.
- ✓ Рекламага доир умумий ва махсус талаблар ўзгарди. Яъни, рекламада миллий ва оилавий аъёналарга зид бўлган образлардан фойдала-ниш тақиқланди.
- ✓ Автотранспортни бошқариш учун ишончнома-ларни расмийлаштириш электронлаштирилди. Яъни, қонунчиликка кўра, 2022 йил 1 сентябрдан автотранспортни бошқариш учун ишончнома-ларни Ягона интерактив давлат хизматлари пор-тали орқали (my.gov.uz) электрон расмийлашти-риш йўлга қўйилди.
- ✓ Оилавий боғчаларга 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишга рухсат берилди.
- ✓ Барча туман (шаҳар)лар кесимида намунали мак-таблар рейтингни шакллантириладиган бўлди. Эндиликда умумий ўрта таълим муассасалари-да маънавий-маърифий ишлар самарадорли-гини ошириш ва бу борада мактаб директори, ота-оналар ва маҳалла раислари масъулиятини кучайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республи-канинг барча туман (шаҳар)лари кесимида наму-нали мактаблар рейтингни шакллантирилади ва эълон қилиб борилади.
- ✓ Оилавий болалар ўйлари фаолияти такомил-лаштирилади. Яъни, оилавий болалар ўйлари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишни иста-ган фуқаролар томонидан юридик шахс макomi-сиз тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида ташкил этилишига рухсат берилди.
- ✓ Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилди. Яъни, энди жисмоний шахсларга тегишли, ишлаб чиқарилганига ўн йилгача бўлган энгил автотомо-транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ихтиёрий равишда амалга оширилади.
- ✓ Енгил автототранспорт воситаларини маж-бурий техник кўриқдан ўтказишнинг қуйидаги муддатлари белгиланди:
 - ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача бўлган енгил автототранспорт воситалари – икки йилда бир марта;
 - ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортқ бўлган енгил автототранспорт воситалари – бир йилда бир марта.
 Бунда мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланилади-ган енгил автототранспорт воситалари учун татбиқ этилмайди.

Шерзод АБДУЛЛАЕВ,
"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази
масъул ходими

АВТОМОБИЛЬ транспортда йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича та-шиш фаолиятини лицензиялаш жараёни Вазирлар Маҳма-сининг 2019 йил 30 июлдаги "Автомобиль транспорт-да йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизмат-лари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тартибга солинади.



Автомобиль транспортда йўловчиларни ташиш фаолиятини ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

ЛИЦЕНЗИЯ ҚАЙСИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИ?

Лицензия бериш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бош-қармалари томонидан тегишли қарорлар қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Хусусан, Транспорт вазирлиги томонидан – йўловчиларни ва юкларни халқаро ташиш бўйича лицензиялар бериш, лицензия-ларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уларни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш амалга оширилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари томонидан – йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ташиш бўйича ли-цензиялар бериш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уларни бекор қилиш ва қайта расмийлашти-риш амалга оширилади.

ЛИЦЕНЗИЯ ҚАЙСИ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ УЧУН БЕРИЛАДИ?

Ариза берувчининг сўров-номасига кўра лицензия қу-йидаги фаолият турлари учун берилади:

- йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро микроавто-бус ҳамда автобусларда ташиш;
- йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро енгил авто-мобилларда ташиш;
- йўловчиларни халқаро автобусларда ташиш;
- йўловчиларни халқаро микроавтобусларда ташиш;
- йўловчиларни халқаро енгил автомобилларда ташиш;
- юкларни автомобиль транспортда халқаро ташиш.

Лицензия олувчи лицензия-ловчи органга мурожаат қил-ганда, бир ариза билан ўшбу ли-

цензияловчи орган томонидан бериладиган лицензия турла-рининг бир неча қисmini олиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарлараро йўналишлар бўйича йўловчиларни автобус-ларда ёки микроавтобусларда ташиш ҳуқуқини берувчи ли-цензия варақасига эга бўлган автотранспорт воситаларидан маҳаллий ва хорижий фуқаро-ларни шаҳарда ва шаҳар атро-фида туристик-экскурсия қилиш йўналишларида (номунтазам йўналишларда) йўловчи ташиш-ни амалга ошириш учун қўшимча лицензия варақаси олиш талаб этилмайди.

Лицензия асосида ҳар бир ав-тотранспорт воситасига лицен-зия варақаси берилади.

Лицензия варақалари билан таъминланмаган автомобиль транспорти воситасидан фойда-ланган ҳолда, тижорат асосида йўловчи ташишга, шунингдек, юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташишга йўл қўйилмайди. Ўшбу ҳолатлар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий таъсир чоралари қўлла-нилади.

ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Ариза берувчи давлат хизмат-ларидан фойдаланиш учун дав-лат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки дав-лат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ягона интерак-тив давлат хизматлари портали-да рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчидан юқорида номи қайд этилган Регламентда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этили-шини талаб қилишга йўл қўйил-майди.



Лицензия олиш учун ариза берувчи давлат хизматлари марказига қуйидаги маълу-мотларни тақдим этади:

- юридик шахс учун – юри-дик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассаса-сининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) учун юк та-шиш ҳуқуқига лицензия олишда – фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга ҳамда ҳай-довчилик гувоҳномасига оид маълумотлар; фао-лиятнинг лицензиялана-диган тури (ёҳуд унинг бир қисми) кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги сўровнома ва/ёки лицензия варақа-лари олиш учун корхона ихтиёрида бўлган авто-транспорт воситалари-нинг рўйхати билан бирга автотранспорт восита-ларининг мулк ҳуқуқи, ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара асосида тегишли-лиги тўғрисидаги маълу-мотлар;

- ариза берувчида ҳайдов-чиларни тиббий кўриқдан ва автотранспорт воси-таларини техник кўриқ-дан ўтказиш ёҳуд ариза берувчининг тегишли ихтисосликдаги ташки-лот билан унга тиббий кўриқ ва техник кўриқдан ўтиш имконияти яратиб берилиши тўғрисидаги шартномаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Ариза берувчи тақдим этган маълумотларининг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун жавоб беради.

Давлат хизматларини кўрсатганлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ба-завий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда йўғим ва автомобиль транспортда йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, хал-қаро, шунингдек, юкларни хал-қаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш юзасидан лицензия варақа-ларини бериш учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунда бел-гиланган миқдорларда давлат божи ундирилади.

Юсуф САИДАЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси



ПЕНСИОНЕР ТАДБИРКОРГА ИМТИЁЗ БОРМИ?

– Март ойида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун давлат рўйхатидан ўтдим. Ўзим ёшга доир пенсияга чиққанман. Пенсиялар бўлганингим учун солиқ тўловларидан қандай имтиёзим бор?

– Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда ижтимоий солиқ тўланади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун эса, солиқ миқдори ўзининг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки тугатилган тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ юзага келган ёки тугатилган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 408-моддасига кўра, Сиз ёшга доир пенсионер бўлганингиз сабабли пенсия гувоҳномангиз асосида ижтимоий солиқни 100 фоиз эмас, 50 фоиз тўлаш имтиёзингиз бор. Базавий ҳисоблаш миқдори ҳозирда 300 минг сўм. Яъни, ўзининг 50 фоизи миқдоридан – 150 минг сўм ижтимоий солиқ тўлайсиз.



ИЖТМОИЙ СОЛИҚ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

– Якка тартибдаги тадбиркорга ишчи бўлиб ишга кирсам, мен билан қандай ҳужжат расмийлаштирилиши лозим. Тадбиркор қанча миқдорда ижтимоий солиқ тўлайди?

– Якка тартибдаги тадбиркорлар 5 нафаргача ходим ёллаши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор банк ҳисобварағи очганидан кейин ходим ёллаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунинг учун тадбиркор ходимни ёллашда ёзма меҳнат шартномаси тузади, бироқ улар томонидан меҳнат дафтарчаси юритилмайди.

Тадбиркор ходимини солиқда ҳисобга қўйиш учун аризани шартнома тузган вақтдан 3 иш кунидан кечикмай солиқ органига топширади. Солиқ органи 1 иш кунида ходимнинг ҳисобга қўйилганлигига оид қарорни тақдим қилади.

Якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида қаралмайди. Улар якка тартибдаги тадбиркор номидан ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга эмас.

Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 707-сон қарорига 1-илова “Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходим-

ларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-17-бандлари.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 408-моддасига кўра, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади. Уларнинг ҳар бирига ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган ижтимоий солиқ тўланади.



СУБСИДИЯГА УЙ ОЛГАН ЭДИК...

– Давлат хизматлари маркази орқали ипотека кредити асосида субсидияга уй олган эдик. Уйнинг нархи – 310 миллион сўм. Тўрмуш ўртоғимнинг ҳам, менинг ҳам ёшимиз 30 ёшдан ошган. Бизга уйнинг тўловларини тўлашда солиқ бўйича имтиёз берилиши мумкинми?

– Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандида фуқароларга ипотека кредити бериш бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш шартлари белгиланган. Солиқ тўловчининг солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ солинишлари олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами 15 миллион сўмгача бўлган миқдорда қоллашга, башарти якка тартибдаги уй-жойнинг ёки қўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмасга ҳамда у дастлабки бадалнинг ёки ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қоллаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса.

Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган. Солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами 15 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, татбиқ этилади.


Бундай имтиёздан фойдаланиш учун бир вақтнинг ўзида 2 та шарт ҳам бажарилган бўлиши лозим:

- якка тартибдаги уй-жойнинг ёки қўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаслиги керак;
- уй-жойнинг ҳазирдорида дастлабки бадалнинг ёки ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисmini қоллаш учун бюджетдан субсидия ажратилган бўлиши лозим.

Солиқ даври календарь йил мобайнида қарз олувчи ва бирга қарз олувчининг кредитни сўндириш ва фоизларни тўлаш учун йўналтирилаётган 15 миллион сўмгача даромадига нисбатан қўлланилади. Демак, мазкур суммадан даромад солиғи ушланмайди. Агар солиқ даври мобайнида ушбу чегарадан ўтибса, ошган суммадан даромад солиғи тўланади.

Шунга кўра, Сиз субсидия асосида олган уйнинг қиймати 300 миллион сўмдан ошганлиги учун Сизга ушбу имтиёз қўлланилмайди.

Бунда ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларига нисбатан солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёшга тўлгунча қадар, квартираларнинг қиймати ва бюджетдан ажратилган субсидиялар бўйича белгиланган шартлар инobatга олинмаган ҳолда қўлланилади. Бу имтиёз қўлланиши учун эр-хотиннинг иккаласи ҳам 30 ёшдан ошмаган бўлиши лозим.



ЁШИМ 61 ДА, ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛСАН БЎЛАДИМИ?

– Уй-жой олиш учун ипотека кредити олмақчиман. 61 ёшдаман. 61 ёшдан ошган фуқарога ҳам ипотека кредити берилиши мумкинми?

– Қонунчилигимизда кредит олувчи Ипотека кредити олиш учун муурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозимлиги белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори 1-иловага асосан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 16-бандига кўра, сизга уй-жой олиш учун ипотека кредити берилмаслиги мумкин.



ИЖАРА УЙ УЧУН КИМ СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ?

– Мен билан уйнинг эгаси ижара шартномаси тузса, хонадон эгаси солиқ тўлайдими ёки менми? Ижарага берилган уй учун солиқ миқдори қанча?

– Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади. Солиқ кодексининг 381-моддаси биринчи қисмига асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига мазкур моддада белгиланган ставкада солиқ солиниши белгиланган. Солиқ кодексининг 383-моддасига кўра, Сиз уй эгаси билан тузган ижара шартномасида назарда тутилган ижара ҳақи миқдори уй эгасининг даромади ҳисобланади. Хонадон эгаси мазкур даромаднинг 12 фоизи миқдоридан солиқ тўлайди.



РЎЙХАТДАН ЎТИШ МАЖБУРИЙМИ?

– Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишда пул тўлови мавжудми? Бозорда кийим-кечак сотаман. Тадбиркорлигимни рўйхатдан ўтказиш мажбурийми?

– Якка тартибдаги тадбиркорлар амалга ошириши мумкин бўлган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорининг 1-иловасидаги рўйхатда белгиланган. Ушбу рўйхатнинг 1-бандига кўра, Сиз ноозик оғват маҳсулотлари сотиш савдо фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эгасиз.



Саволларга “Мадад” ННТ
Қўқон шаҳар ҳуқуқий маслаҳат
бюроси бош мутахассиси
Мукаррам ТАШБОЛТАЕВА
жавоб берди

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатдан ўтказиш фуқаролик паспорти ёки ID карта асосида Давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказилади.

Бевосита давлат хизматлари марказига муурожаат этсангиз, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари – 300 минг сўм миқдоридан давлат рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўловини амалга оширасиз. Асос: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатдан ўтмасдан амалга ошириш, ноконуний тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Қонунда бунинг учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддасига асосан бундай ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда, яъни 1 миллион 500 минг сўмдан 2 миллион 100 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.



СОЛИҚ ИДОРАСИДАН ҚАНДАЙ ҚАРЗДОР БЎЛИБ ҚОЛГАНИМНИ ТУШУНМАЯПМАН?

– Ўзимга тегишли бўлган шахсий нотураж жой бўлган дўконни нотариал тартибда 50 миллион сўмга сотдим. Менга солиқ идораси томонидан қарздорлик ҳисоблаб, ўз вақтида солиқ тўланмаганлиги учун судга даъво аризаси қиритилди. Солиқ идорасидан қандай қарздор бўлиб қолганлигимни ҳеч тушунмаяпман?

– Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 378-моддасининг 7-бандига асосан солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган нотураж жой, яъни мол-мулкни сотишдан олинмаган даромаддан даромад солиғи тўланиши белгиланган.

Солиқ кодексининг 381-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фуқароси бўлган жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизлик солиқ ставкаси бўйича солиқ солиниши белгиланган.

Ўқоридиғиларга кўра, Сиз кўчмас мол-мулкни сотишдан олинган даромаднинг 12 фоизи миқдоридан даромад солиғи тўлашингиз лозим. Яъни, 50 миллион сўмнинг 12 фоизи – 6 миллион сўм даромад солиғи тўлашингиз лозим.



ТОШКЕНТ



УЧТЕПА туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлимида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилганда, 2020, 2021 ва 2022 йиллар давомида туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблардаги кутубхоначиларга қонунчиликда белгиланган устама ҳақлари тўланмай келинганлиги аниқланди.

КУТУБХОНАЧИЛАРНИНГ
уч йиллик устамаси ундирилди

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ "Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари" тасдиқланган бўлиб, ушбу илоада мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар кутубхоначиларига ёки бошқа ходимларга дарсликларнинг кутубхона фонди билан шўғулланганликлари учун меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 3,6 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланиши ва ҳар бир 1 минг 500 нусха дарсликлар учун 5 фоиз, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 10,6 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Натижада тумандаги мактабларнинг 30 га яқин кутубхоначиларига тўланмай қолган 55 миллион сўмдан ортиқ устама ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди. Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган туман халқ таълими бўлими ходимларига нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш учун тақдимнома киритилди.

Бобур ЭШНИЁЗОВ,
Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи

АНДИЖОН

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ 2021 йилнинг 1 январидан барча давлат органлари ва ташкилотларида жамоада фаолият юритаётган ходимга "Спорт тарғиботчиси" қўшимча вазифасини юклаш белгиланган. Шунингдек, вазифа юклатилган ходимга базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгиланган назарда тутилган.

Фармон ижроси бажарилмаган

Фармонда спорт тарғиботчиси жамоада спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ходимларнинг мунтазам спорт билан шўғулланишини ташкил этишга маъсул эканлиги белгиланган. Марҳамат туман адлия бўлими томонидан мазкур фармон ижроси юзасидан ҳудуддаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижаларига кўра, тумандаги 45 та умумтаълим мактаби ва 30 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида бирорта ходимга "Спорт тарғиботчиси" вазифаси юклатилмаганлиги аниқланди. Туман адлия бўлими томонидан барча таълим муассасаларига Президент фармони ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича тақдимнома киритилди. Натижада юқорида қайд этилган барча таълим муассасаларида ташкилот раҳбарининг буйруғи асосида "Спорт тарғиботчиси" қўшимча вазифаси алоҳида ходимга юклатилиши ва 20 фоиз миқдорида устама белгиланиши таъминланди.

Сардорбек ҲАМРОЕВ,
Марҳамат туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

Ёшлар ишлари
агентлиги
ходими
қўшимча иш ҳақи
тўлаб берилди

ФУҚАРО А.Х. Олмазор туман адлия бўлимига устама пуллари тўланишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, фуқаро А.Х. Тошкент ислом университети битирганлиги, бугунги кунда ёшлар ишлари агентлиги Олмазор туман бўлимида меҳнат фаолиятини олиб бораётганлиги, бироқ Тошкент ислом университети битирувчиси сифатида унга 20 фоиз устама тўланмаганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил

11 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети битириб, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотларга ишга қабул қилинадиган бакалавр ва магистрларнинг лавозим маошларига 20 фоиз миқдорида ойлик қўшимча

ҳақ тўланиши белгиланган.

Шунга кўра, ёшлар ишлари агентлиги Олмазор туман бўлими ходими А.Х.нинг лавозим маошига 20 фоиз миқдорида тўланмай қолган қўшимча иш ҳақини тўлаб бериш юзасидан тақдимнома киритилиб, тўланмай қолган 6 миллион 523 минг сўм қўшимча иш ҳақи тўлаб берилиши таъминланди.

Нурамин ЭРГАШЕВ,
Олмазор туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

БУХОРО

Қарз мижароси
судгача борди

РОМИТАН туман адлия бўлимига мазкур тумандаги якка тартибдаги тадбиркор Ф. Усмонов мурожаат қилиб, "Газли йўл қурилиш таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятидан 251 миллион 390 минг 112 сўм миқдорида асосий қарз ва пеня ундиришда амалий ёрдам беришни сўраган. Мурожаатни ўрганиш жараёнида якка тартибдаги тадбиркор "Усмонов Юсуф Фурқатович" билан "Газли йўл қурилиш таъмирлаш" МЧЖ ўртасида 2020 йил 6 январда шартнома имзоланганлиги ва ҳақиқатан ҳам МЧЖнинг тадбиркордан 251 миллион 390 минг 112 сўм асосий ҳамда 60 миллион 333 минг 623 сўмлик пеня бўйича қарздорлиги мавжудлиги, аммо тадбиркорнинг МЧЖга бир неча бор мурожаат қилишига қарамасдан, бу қарз тўланмасдан келинганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан тадбиркор манфаатида Ромитан туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан якка тартибдаги тадбиркор Ф. Усмоновнинг аризаси қаноатлантирилди.

Ахтам УМАРОВ,
Ромитан туман адлия бўлими бошлиғи

СУРХОНДАРЁ

“Ўзидан кетган”
унитар корхона
судда ўзига келди

ТЕРМИЗ туманидаги Учқизил шаҳарчасида жойлашган "Зартепа гранд" оилавий корхонаси раҳбари "Сурхондарё кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси томонидан бир йилдан буён тўланмай келаётган қарздорликни ундириб беришни сўраб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Адлия бўлими томонидан мазкур мурожаат ўрганилиб, натижаси юзасидан иқтисодий ишлар бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг тегишли қарори билан "Зартепа гранд" оилавий корхонаси фойдасига "Сурхондарё кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонасидан томонлар ўртасида тузилган 23-сонли пудрат шартномасига биноан 173 миллион 755 минг 315 сўм асосий қарз ва 49 миллион 976 минг 966 сўм пеня, томонлар ўртасида тузилган 41-сонли пудрат шартномасига асосан 95 миллион 984 минг 346 сўм асосий қарз ва 16 миллион 357 минг 495 сўм пеня, томонлар ўртасида тузилган 25-сонли пудрат шартномасига асосан 160 миллион 332 минг 789 сўм асосий қарз ва 24 миллион 49 минг 918 сўм пеня ундирилиб, тадбиркорнинг мурожаати тўлиқ қаноатлантирилди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ



Ижтимоий тармоқларда, ободонлаштириш ходимлари инсоний бир илтимос билан чиққанини кўпчилик қўллаб-қувватлади. Лекин, афсуски, бу каби чақириқлардан ҳаммамиз ҳам ҳушёр тортмаямиз.

“Биз дам олсак, ким ишлайди?..”



Бугун эрта саҳардан супуриб-сидирилган катта кўчаларнинг атрофидаги бетон ариқчалар кечга бормай чиқинди билан “безанса”, бунга нима дейсиз?! Биз фақат ейиш учун туғилганми, азизлар?! Сал инсоф билан-да! Саратонда, ёзнинг қайноқ кунларида музқаймоқнинг қоғози-ю, писта пўчоғидан тортиб, елим идишларга ҳар қадамда учрата-вериби, кўзларимиз ҳам кўникиб қолган. Кўпчилигимиз бунга бефарқ қарашга одатланганмиз. Жамоат жойларида чиқинди идишларининг камлигидан нолийдиганлар ҳам топилади. Чиқинди идиши етарли бўлса ҳам, одамнинг мияси чиқиндига тўла бўлса, белгиланган қўймаз, дуч келган жойга ҳамма нарсани ташлаб кетаверса, бу иллатни қандай даволаса бўлади?! Гапларим сал ғалати-роқ туюлса уэр, маънан соғлом, ички маданияти бор одам шундай номақбул иш қиладими, ахир?!

Ободонлаштириш ходимлари пойтахтимиз кўчаларини ҳар қанча озода, тоза сақлашга уринмасин, кўпчилигимиз бунинг аксини қиляпмиз, кўчаларимизни, хиёбонларни озода сақлаш ўрнига истаганимизни қиляпмиз. Энг ачинарлиси, бундан заррача виждони қийналмайдиганлар кун сайин кўпаймоқда.

Машинадан сув идиш ёки бошқа нарсаларни улоқтираётганлар эса, улардан ҳам баттароқ бефаросатлиги аниқ! Ўзганинг меҳнатини қадрлаган одамни ўз қадрини билганига ҳайронсан! Маданиятсизликнинг энг хунук кўриниши шу

бўлса керак.

— Ёмғирми, қорми, ёзнинг исигими, иш вақтимизда ишлашга мажбурмиз, — дейди ободонлаштириш ходимаси Гуллола Қодирова. — Яқинда бир қизиқ воқеа бўлди. Телефонларимизга СМС келди. Куннинг иссигида ташқарига чиқманг, сояда юринг, кўзойнақ тақинг, кўпроқ суоқлик ичинг, деган. Ўйлаб кўрсак, бу маслаҳатларнинг бирортаси бизга керакмас экан. СМСни ўқиган шекилли бошлигимиз ҳам “Биз сояда ўтирсак, ким ишлайди? Бу гаплар бизга аталмаган, қани, ҳамма ўз ишига...” деб ҳаммамизга ишимизни тақсимлаб берди.

Очиги, соя-салқинда ишлаётганларга ҳавасимиз келади. Лекин ишхонасининг остонасигача тозаласак ҳам, ҳожатхонага киришга рухсат бермайдиганлар бор. Оддийгина шу илтимосимизни ҳам рад қилишганида кўнглимиз оғрийди. Ҳар хил одам бор. Йўлларда ишлаётсак, машинасини тўхтатиб, отамизга раҳмат айтиб, ҳаммамизга сув улашиб, дуоларимизни оладиганлар ҳам бор.

Аёлнинг гапларини эшитиб, шундай ҳалол касб эгасининг меҳнатини, пешона терини қадрламаслик ноқўрлик билан баробар, деган фикрга келасиз. Дарвоқе, ҳожатхона масаласи. Ҳар қанча нозик мавзу бўлмасин, шу тўғрида ёзишни лозим деб билдим. Ободонлаштириш ходимларининг кўпчилиги онамиз қатори аёллар, ола-сингилларимиздир. Бу мунис аёлларнинг меҳнати ҳалолу ўзи ҳожатхонага кириб-чиқишга ҳам нолиймики?! Остонамизга

супуриб, кўчаларимизни озода тутган бу ораста аёлларга нега эшигимизни беркитамиз? Тасаввур қилинг, агар пойтахтимиз кўчалари икки-уч кун супурилмаса, қандай аҳволга келади? Тиззамизгача чиқиндига ботиб қоламиз-ку!

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлдим. Чақалоғини болалар аравачасида сайрга олиб чиққан келинчақ катта йўл четидаги чиқиндигоҳа яқинроқ келиб, елимхалтадаги болалар тағлигини узокдан улоқтирди-да, йўлига кетди. Чиқиндигоҳанинг яқинига йўлагиси ҳам келмади. Отанинг ёки онанинг ўзи чиқиндини белгиланган жойларга ташлаш маданиятини тушунмаса, билмаса, билса ҳам амал қилмаса, боласи амал қилармиди?

Масъуллар томонидан катта йўл четларига қўйилган чиқинди идишларни бир кузатинг, тўлиб-тошиб кетади. Бир нарсага ҳайрон қоламан, ўзи улар нега катта йўл бўйига ўрнатилган? Одамлар чиқинди хидидан нафас олиши учунми?! Масалан, Чилонзор тумани Муқимий кўчаси бўйлаб юрсангиз, шундай ҳаёлга борасиз. Йўлдаги бунақа йўл-йўлакка чиқиндигоҳалар ободонлаштириш ходимлари пешонасининг шўри аслида. “Тоza худуд”нинг тезкорлик билан чиқиндийиғар машиналари чиқинди тўла идишни бўшатади. Ён-атрофга итқитилган нарса-буюмлару ҳар турли чиқиндиларни ободонлаштириш ходимлари

йиғиб-тозалашади. Иши-да, қилади-да, дейишга шошилманг! Инсоф билан бир фикрланг-чи, улар ноқўрлик билан сиз чиқиндига ташлаган, ярим-чала ейилгану айниган ёгуликлар, тарвуз-қовуннинг гул тигида қолиб қидланган пўчоғигача йиғишга мажбурми шунчалар?!

Энг ғалатиси, кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамшаҳарларимиз бунга етарлича бефарқ. Чиқиндигоҳанинг уйи яқинида бўлмаслиги уларга ҳам қулай бўлса керак-да! Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари атрофи эса, озода-тоза, ҳатто гулу райхонлар ҳам экилганига нима дейсиз?! Демак, бу одамлар фақат ўзларини яхши кўради, шаҳар ичида ўзлари учун озода-ю тоза, тартибли шаҳарча қуриб олишган гўё! Бурнидан нарисига қарашмайди ҳам!

Шу ўринда яна бир гап. Авваллари пойтахтимизда жамоат ҳожатхоналари кўп бўларди. Ҳозир ҳам бор, лекин талаб даражасида етарли эмас! Иш жойи кўча-қўй бўлган пойтахт ободонлаштириш бошқармаси ходимлари учун ана шу имкониятни яратиш бериши зарур.

Ҳеч бўлмаганда, пойтахт вилоятининг Тошкент шаҳрига туташ ёки яқин туманларидан, хусусан, Чиноз туманидан пойтахтга қатнаб ишлаётган, уйдан эрта саҳарлаб чиқиб, қош қорайганда кириб борадиган ходимлар учун иш жойидан автобус ажратиш керак.

Ўзи ошиб борса бир ярим миллион сўм маош оладиган ободонлаштириш ходимлари ўзлари ёллаган буюртма автобуслар учун ойига 200-250 минг сўмгача йўл ҳақи тўлашмоқда. Уша эски автобуслар ҳам бузиламасдан, муаммо чиқмасдан ишлаб турса, қанийди. Лекин доим ҳам бундай бўлмайди, ишчилар ярим йўлда қолиб кетган пайтлар ҳам бўлиб туради. Об-ҳаво инжиқликлари бўлган

кунлар уларнинг аҳволини тасаввур қилаверинг!

Уларнинг одамга ўхшаб тушлик қилиши учун ҳам шарт-шароитлар яратиш керак! Ёзнинг иссиқ куниди уйдан олиб келган тушлигини бирон дарахтнинг соясида енгилгина тамадди қилиб, куннинг тигида қаро терга ботиб, ҳалол меҳнат қилаётган ола-сингилларимиз, ака-укаларимиз сўраганимизда минг истихола билан бу ҳақда гапиришди. Аслида улар айримларимиз каби ношуқур эмас. Ҳаётининг ҳар бир кунидан рози.

Кўпчилигимиз масофавий тизимда ишлаган ёки уйда

вирусдан ҳайиқиб ўтирган вақтимизда ободонлаштириш ходимлари ҳалол касбига садоқат билан карантинда ҳам дам олмай ишлашди.

Шу ўринда бир тақлиф — чиқинди ташлаганларга жаримани катта қўйиб, шундан келадиган моддий фойдани ободонлаштириш ходимларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга йўналтириш мумкин.

Қонунчилигимизда ободонлаштириш ходимларининг иш вақти қайта қўриб чиқилиши, меҳнати оғирлигини ҳисобга олиб, олти кунлик иш ҳафтаси беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилиши инсофдан бўлар, деб ўйлайман. Ойлик маоши ҳам, албатта.


Тўғри, ободонлаштириш ходимлари учун Ҳукумат қарори билан овқатланиш учун компенсация ва ободонлаштириш соҳасидаги узлуксиз умумий иш стажини учун ҳар чораклик мукофот тўланади. Лекин Тошкент шаҳрининг ўзида бир туманда ишловчи ходим бошқа тумандаги ходимга қараганда кам ёки кўпроқ рағбатлантириш олади. Бунинг сабабини ходимларнинг ўзи турлича изоҳлашди. Айтишларича, ишлаётган худудда катта бозорлар бўлган худуддаги ободонлаштириш ходимлари учун кўпроқ имтиёз, байрамларда ҳам яхши рағбатлантириш бўлар экан.

Лекин биз айтган ойлик маоши овқат пули билан қўшиб ҳисоблаганда кўлга тегадиган сумма 1 миллион 200 минг, ошиб борса 1 миллион 500 минг сўмни ташкил қилади. Очиги, кўча супурадиган супургисигача ўзи сотиб олаётган ёки қишлоқдаги томорқасининг бир бурчагида супургига яроқли ёввойи ўтларни ўстираётганларнинг ҳаёти, муаммолари бугун бировни қизиқтирмайди. Ходимни иш қуроли билан таъминлаш иш берувчининг вазифасига кирмайдими? Ҳеч бўлмаса, куннинг иссигида қуйган, ёмғирда елкаси ивиган, қишининг чилласида эзигиндан изиллаб совқотиб, оғидан совуқ ўтса ҳам, кун бўйи тик оёқда эл хизматиде бўладиган озодалогимиз жонқуярларига қисқартирилган иш вақти белгиланиши керак. Бу борада соаволаримиз кўп, тайинли жавобни эса, масъуллардан кутиб қоламиз.

Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО А.Курбандурдиев Мирзо Улугбек туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, нафақа тайинлашда меҳнат стажини нотўғри ҳисобланганлигидан норозилигини билдирган.

Мурожаатдаги муаммо
ҲАЛ ЭТИЛДИ

Ўрганиш натижаларига кўра, фуқаронинг манфаатларини кўзлаб жавобгар – Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман бўлимининг 2012 йил 12 мартдаги 339-сон қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбуриятини юклаш ҳақида Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво ариза киритилди. Суднинг 2022 йил 15 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Мирзо Улугбек тумани бўлими мансабдор шахслари зиммасига фуқаро А. Курбандурдиевнинг 1986 йилдан 1987 йилга қадар “Новоташкентский консервный комбинат”да, 1987 йилдан 1989 йилга қадар “Узэгрокомтехмонтаж”да, 1989 йилда “Элексир” кооперативда, 1989 йилдан 1990 йилгача “Саратон” НПОда, 1990 йилдан 1993 йилга қадар “Саратон” СПФда, 2002 йилдан 2004 йилга қадар Мирзо Улугбек туман ҳокимиятида, 2004 йилдан 2006 йилга қадар “Пўлат монтаж” ДХОда ишлаган даврини инобатга олган ҳолда меҳнат стажига қўшиб бериш мажбурияти юклатилди.

Фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Энди у амалдаги мана шу иш стажини инобатга олинган ҳолда пенсия оладиغان бўлди.

Шокир ЮСУПОВ,
Мирзо Улугбек туман адлия бўлими
бошлиғи

Юрtdошларимизга тушунарли бўлиши учун шунинг таъкидлаш жоизки, мобил-ID тизими шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутди.

Хўш, бу аҳолига
нима беради?

Шахсни идентификациялашнинг мобил-ID тизими фойдаланувчиларга электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра, давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали амалга оширилади. Бунда фуқаро бевосита давлат хизматлари маркази ёки нотариал идорага мурожаат қилганда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида фуқаронинг юзи, қўл бармоғи изи олинади ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади.

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фойдаланувчи томонидан ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланилганда масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-картадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга бепул боғланади. Бунда фойдаланувчи масофадан туриб Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтиш учун ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланади ҳамда электрон шаклдаги сўровномани тўлдирди. ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали фойдаланувчини Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтказишда тақдим этилаётган мобил телефон рақами айнан мурожаат қилаётган фойдаланувчи номига расмийлаштирилган бўлиши зарур.

Хизмат
пулликми?

Давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш 2022 йил 31 декабргача бепул, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида бир марталик тўлов ундирган ҳолда амалга оширилади. Фойдаланувчилар Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 177-сон қарорига мувофиқ бириктирилган ЖШШИРга ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги мобил алоқа операторлари томонидан берилган мобил телефон рақамга (ҳисоб баланси фаол бўлган ҳолда) эга

ЖОРИЙ йилнинг 30 август кuni Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Мобил-ID тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор электрон шаклда фойдаланиш мумкин бўлган давлат хизматлари бўйича аҳолига қулайлик яратди. Шунингдек, хизматдан фойдаланиш ташкилотлардаги узундан-узоқ навбатларга ҳам чек қўяди.

ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИкўрсатишни янги даврга олиб
чиқадиган қарор қабул қилинди

бўлиши зарур. Фойдаланувчи бир нечта мобил телефон рақамларига эга бўлганда унинг танловига асосан фақат бир мобил телефон рақами Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтказилади. Шундан кейин “Тасдиқланган фойдаланувчи” макомини олади ва барча электрон давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлади (кредитлаш соҳасида кўрсатиладиган молиявий хизматлар бундан мустасно). Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтишни ишончнома асосида ёки вакил орқали амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Мобил-ID
тизимидан қандай
мақсадларда
фойдаланилади?

OneID тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг портал ва ахборот тизимларига киришда фойдаланувчиларнинг шахсини тасдиқлаш (аутентификация қилиш), мобил-ID тизимидан фойдаланаётган фойдаланувчининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш (верификация қилиш), электрон давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича фойдаланувчилар томонидан берилган аризаларни тасдиқлаш, фойдаланувчи ўзининг шахсига доир маълумотларни давлат органлари ва ташкилотлари “Электрон ҳукумат” тизими орқали олганда бу ҳақида хабарномалар қабул қилиш, фойдаланувчи ўзининг шахсига доир маълумотларини давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бир-

лашмалари, нодавлат ташкилотлар “Электрон ҳукумат” тизими орқали олиши учун рухсат бериш, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда фойдаланилади.

Мобил-ID тизими орқали хизматлардан фойдаланишда фойдаланувчининг Мобил-ID тизимида идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига бир марталик уникал кодли SMS-хабар юборилади ва ушбу код тизимга киритилганда хизматдан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу орқали тизим фойдаланувчиларнинг хавфсизлиги таъминланади ва унга оид маълумотлардан фойдаланишга розилиги тасдиқланади. Қоида тарихида Мобил-ID тизимидаги идентификациянинг мuddати чекланмайди. Фақат шахс (фойдаланувчи) ис-талган вақтда ва ўз хоҳишига кўра давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХПнинг мобил иловаси орқали Мобил-ID тизимидаги идентификацияни бекор қилиши мумкин. Тизим оператори Адлия вазирлигининг “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси ҳисобланади. Айни пайтда Адлия вазирлиги томонидан жисмоний шахсларни Мобил-ID тизимида идентификациялашни йўлга қўйиш бўйича ахборот тизими ишлаб чиқилиб, ишга туширилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мобил-ID тизими аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Давлат хизматларини ривожлантириш соҳасидаги халқаро рейтингларда эса Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Бунёд АЗИЗОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма
бошлиғи

E'OLON

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 29-avgustdagi 172-um-sonli buyrug'iga asosan, “Kafolat” advokatlar hay'ati advokati Ubaydullayev G'ayratxon Axrorovichga 2018-yil 28-dekabrda berilgan GZ 000046-sonli litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi 2022-yil 29-avgust kundan tiklanganligi ma'lum qilinadi.

Анвар Султонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёш бўлишига қарамай, фирибгарликнинг "сабогини олган" уddaбурон фирибгарлардан эканини ўшанда Наргиза қаердан билибди дейсиз. Асли андижонлик бўлган Анвар Наргиза билан Тошкентда танишиб қолади. Муқаддам судланган бўлишига қарамай, бундан тегишли хулоса чиқармаган олий маълумотли бу йигит бир эмас, аслида иккита МЧЖнинг раҳбари ҳам эди. Нима бўлди-ю, нафс домига тушиб қолди. Адашиб, бир қоқилган бўлса-да, хатосидан сабоқ чиқармади. Осон йўллар билан мўмай даромад топиш хаёли уни тинч қўймаётганди. Шу кунларда Наргизанинг ишонувчанлиги унга қўл келди.

Ишсиз қолган иш берувчи



Унинг қармоғига дастлаб Наргиза "илинган" бўлса, кейин бу аёл билан бошланган рўйхат ҳисобини олиб бўлмас даражада ўзайиб кетди. Ишонувчан одамлар кўп экан. Анварнинг биринчи режаси иш бергач, йигит ўзига ишониб, қайта-қайта фирибгарликка қўл ураверди. Охир оқибат унинг бу қора қилмишлари фаш бўлди. Нафс балоси uddaбурон фирибгарни суднинг қора курсисига чалди олиб келди.

Ўшанда 2015 йилнинг баҳор ойлари эди. Анвар қамалиб қолган отаси томонидан етказилган зарарни қоплаб, уни қамокдан чиқариш учун Наргизадан 20 минг АҚШ доллари олади. Анвар Туркия давлатига ишлашга боришга йўл кира ва бошқа харажатлари учун деб аёлдан яна 3 минг АҚШ доллари, ўқув маркази очиб, бирга тижорат қилишларини айтиб, 16 минг АҚШ доллари – жами 39 минг АҚШ доллари олади. Тижорат мақсадида олган пулларини 2017 йилнинг декабрида қайтариб беришини ваъда қилади. Анвар берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Бундан ташқари, Анвар ўзи раҳбарик қилаётган МЧЖ орқали Дилшод Толиповдан 34 миллион, Тўлқин Беғалиевдан 42 миллион 738 минг, Нодир Ҳамидовдан 42 миллион 38 минг, Наим Маликовдан 85 миллион 476 минг, Азим Алиевдан 42 миллион 738 минг сўм, Беғали Шералиевдан 41 миллион 15 минг сўм ва 1000 АҚШ доллари, Раззоқ Мўминовдан 22 миллион 648 минг сўм пулларни олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Ишонувчанлар рўйхати анча узун. Улар орасида Корейга ишлашга бормоқчи бўлган Бобур Жавлонов ҳам бор эди. Шу тариха Бобур 22 миллион 648 минг сўмга, Саида Комилова эса, Хитойга ўқишга кетаман деб 4 минг АҚШ долларига чўв түшди.

Анвар эса, нимагадир ҳеч нарсадан қўрқмас, ўзи бошлаган ўйиннинг овораси бўлиб улгурганди. Корейга ишга юбориш ваъдаси билан Қобилдан 45 миллион сўм, Муслимбекдан 30 миллион 448 минг сўм олган Анвар Канадага ишга жўнатаман, ҳужжатларни расмийлаштиришга деб Одилдан 20 миллион сўмини осонгина олишга улгурди.

Фирибгарликнинг чўққисига чиқиб қолган Анвар суд мажлисида айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у Наргизани анча йилдан бери танишини ва яқин муносабатда бўлганлигини, 2013-2014 йилларда отаси содир этган жинояти учун Россия давлатидан ушлаб олиб келинганидан кейин қамалиб қолган вақтда, 2015 йилнинг баҳор ойларида зарарни қоплаш учун пул керак бўлгани учун зарарни қоплаб, отасини қамокдан чиқариб олиши учун деб ундан 20 минг АҚШ доллари олганлигини тан олди. Кейин ишсиз юрган вақтида Туркияга ишлашга кетиши учун йўл кира ва бошқа харажатлар учун аёлдан яна 3 минг АҚШ доллари олганлигини, бироқ ишлари юришмай, Тошкентга қайтиб келганлигини айтди. Анвар Наргиза билан ўзаро муносабати яхши бўлганлиги учун аёл унинг Тошкентда ўқув маркази очиб, бирга тижорат қилишни таклиф қилганида рад этмаганлигини, Наргиза ўзи рози бўлиб, 2017 йилнинг декабрь ойига қадар 16 минг АҚШ долларини бўлиб-бўлиб унга бериб турганлигини айтди. Ўша пайтда Анвар ўқув марказини Наргизанинг номига расмийлаштирилганлиги, Наргиза эса, унга 2015 йилнинг баҳоридан 2017 йилнинг декабрь ойига қадар жами 39 минг АҚШ доллари берганлигини тан олди. Анвар аёлга бу ҳақда тилхат ҳам ёзиб берганлиги, ўқув марказининг иши юришмай қолгани сабабли у пулларни Наргизага қайтара олганлигини айтди.

Анвар пойтахтимизда доимий

рўйхатда турадиган манзили бўлмаганлиги учун таниши Дилноза Мусеванинг номига фирма расмийлаштириб, ишлаб туришини, кейинчалик уни ўзининг номига қайтариб ўтказиб олишини келишиб, Юнусовдан "LA FIESTA" МЧЖни очади. Шу тариха бир неча фуқаролар ўзлари Канада, Корея, Хитой каби нуфузли давлатларга ишлаш ва таълим олиш мақсадида кетишни истаб, ундан маслаҳат сўраб кела бошлагани, улардан икки томонлама шартнома имзолаш ва кетиш билан боғлиқ тулпанадиган ҳужжатларни йиғиш учун пул олганлигини тасдиқлади.

Анвар фуқаролардан пул олишда бир қанча тўловларни шахсан ўзи қабул қилиб олганлигини, янада ишончли бўлиши учун Канада давлатига кетиш мақсадида ҳужжат топширган кишиларга Канадага тўғридан-тўғри кетишининг имкони йўқлигини, Россия Федерацияси орқали кетишларини айтиб, уларни ўзи билан Россияга олиб бориб, бирор натижага эришмасдан, ўзи мижозларни ташлаб қайтиб келишга мажбур бўлганлигини тан олди. У ўзи раҳбарлик қиладиган фирманинг номи туширилган бланкалар ва икки томонлама шартномаларнинг барчаси орқали пулларни ҳақиқатан ҳам олиб, улар билан шартнома имзолаганлигини, лекин мазкур фуқароларнинг визаларини ололмагач, уларни чет давлатга юборишга имкони бўлмаганлигини айтди. Улардан олган ҳамда касса орқали ҳисоб рақамига тушган пул маблағларини эса, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини тан олди.

Анвар дастлабки терговдан яшириниб Дубай шаҳрига кетганлигини, 2020 йил июнь-июль ойларида уни Дубайда ушлаб, қамаб қўйишганлигини, 2021 йил 27 январда Тошкент халқаро аэропортида ушланганлигини, имконият берилса, ишлаб, жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаб беришини, қилмишдан чин қўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ҳам тингланди. Судланувчи фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини хавфли рецидивист томонидан такроран жуда кўп миқдорда қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддаси тўртинчи қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбдор деб топилди. Суд эса, унинг жабрланувчиларнинг унга нисбатан даввоси борлигини, муқаддам судланиб, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ўталмай қолган жазони қисман қўшиб йўли билан узил-кесил 9 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, суд жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни судланувчидан ундириш бўйича ҳукм чиқарди.

Мирзиё Абидов,
жиноят ишлари бўйича Олмасор
туман суди судьяси

КЕЙИНГИ йилларда "Ўқишга киритиб қўяман, ишга жойлаштирмаман" дегувчи "ишбилармон"лар кўпайиб кетди. Айниқса, ички ишлар идораларига ишга кирувчи ва ишга жойлаштирувчи талабгорлар кўпчилигини яхши биламиз. Чўчки бу соҳанинг нарх-навоси бирмунча баланд.



ИШГА ЖОЙЛАШТИРАМАН ДЕБ, ЎЗИГА "ИШ" ОЧИЛГАН "ИШБИЛАРМОН"



Хайрулло Шодиевни (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ана шу нарх-наво ва текин бойлик орттириш орузи жарга етаклади. Ёши етмишга яқинлашган, катта оиланинг бошлиғи, етти нафар фарзанднинг отаси пенсияни олиб набиралар даврасида шўқур қилиб ўтириш ўрнига, суднинг қора курсисига ўтирди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг сайёр суд мажлисида "Баҳор" маҳалласи биносидида қўрилган ўшбу жиноят иши тафсилоти кўйидагича:

шаҳар корхоналаридан бири ёнида тасодифан танишиб қолган Б. Олимовга ўзини нафақадаги ички ишлар ходими деб таништирган Х. Шодиев мабодо юқори ташкилотларга ишга кирувчи таниши ёки қариндошлари бўлса уларга бу борада ёрдам бера олишини ваъда қилиб, мурожаат учун ўзининг телефон рақамини беради. Орадан бир ойча вақт ўтиб, Б. Олимов яқинда танишган Х. Шодиевнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, ички ишлар органлари хизматига қизиқиши, ишга кириш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинишини сўраш учун маслаҳат олмақчилигини айтади. Шунда Х. Шодиев уни ҳовлисига таклиф қилиб, келгач маслаҳат беришини, тартибини тушунтиришини билдиради. Шундан сўнг йигит унинг уйига боргач, унинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланади. Ички ишлар идораларида юқори лавозимда танишлари борлиги ва 25 миллион сўм порча эвазига ИИБга ишга киритиб қўйиш тўғрисидаги гапларини эшитиб, уяли телефонига унинг гапларини ёзиб олади.

Худди ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўлади, деб ўйлаган "қаҳрамонимиз" Х. Шодиев чўчварани хом санганини кеч англайди. Маслаҳат ва ҳаракат давом этади. Йигитга дастлаб керакли ҳужжатлар билан 10 миллион сўмини олиб келиши лозимлигини, қолган 15 миллион сўмини эса ишга кирганидан сўнг беришини таъкидлаб, хайрлашади.

Аммо унинг бу фирибгарлиги, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш режаси тез барбод бўлди. Йигитга бир неча бор қўнғироқ қилиб, "ишни нима қилдинг, пулни қачон олиб келасан?" деб сўрагач Б. Олимов Х. Шодиев билан учрашиб олдида ҳўқўқ тартибот идораларига хабар берди. Навоий шаҳридаги "Туркистон" кафеси олдида "хамир учидан патир" бўлган 10 миллион сўм миқдоридидаги пулни олган вақтида ички ишлар идораси ходимлари томонидан ашвёий далиллар билан ушланиб, жиноий хатти-ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмай қолди.

Суд судланувчининг ўз айбига иқдорлигини, ўз қилмишдан пушаймонлигини, ёшини, етказилган моддий ва маънавий зарар мавжуд эмаслигини инобатга олиб унга жарима жазоси тайинлашни лозим қўрди. Текин фойда кўраман деб ўз оиласига, ўз хамёнига зарар келтирган отахонага халқимизнинг "Қилмиш – қидирмиш" деган ўғити балки сабоқ бўлар.

Дилобар ПАРДАЕВА,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси

Инсон
ва қонун

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
"Адолат" миллий ҳуқуқий
азборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
руйхатга олинган
1558 2030-7877
4720307877

Бош
муҳаррир
В.В.Б
Ёрбек
ИСКАНДАРОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Икромов Музаф Мубаракходжаевич
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Юлдашева Шохидихон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тахрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Хуришад Султонов
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. АЗ бичида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Business print" ҳусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи – 3140
Буюртма – 335

Топшириш вақти – 19:00
Топширилди – 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор қўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоиси келишилган нархда

1 2 3 4 5

ФАХР

Инсон қаерда туғилиб, дунёга келса, ана шу ер унинг учун муқаддас маскан – Ватан ҳисобланади. Киндик қони тўкилган жойини инсон ҳеч нарсга алмашмайди. Шунинг учун Ватанин севиш, уни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният табиатида мавжуд бўлган ҳис-туйғудир.

ЮРТНИ СЕВИШ,
АРДОҚЛАШИНСОН ТАБИАТИДА МАВЖУД
БЎЛГАН ҲИС-ТУЙҒУДИР

Саҳоба Умар ибн Хаттоб (р.а.): “Аллоҳ таоло юртларни Ватан муҳаббати билан обод қилди, агар Ватан муҳаббати бўлмаганида юртлар хароб бўларди”, деган. Ҳар бир мўмин-мусулмон ўз ватанини севади, юрт учун барча яхшиликларни бажаради.

Мустақиллик сабаб халқимизга диний эркинлик берилди. Юртимиз аҳолисига Мустақиллик берган яна бир имкониятлардан бири Ҳаж ва Умра зиёратининг ташкил этилишидир.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши барчамизни қувонтирган эди. Пойтахтимизга бу юксак номнинг берилиши нафақат Тошкент шаҳри, мустақил Ўзбекистонга, балки халқимизга берилган юксак баҳодир.

2020 йилда эса, қўхна ва қадим

мий Бухоро шаҳри ҳам шундай юксак эътирофга лойиқ кўрилиб, “Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилинди.

2018 йилда Президентимиз фармони билан Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон ислом академияси негизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши ҳам нафақат юртимизда, балки ислом олами учун янгилик бўлди.

Ҳар доим ибодатларимизда барчамиз юртимиз тинчлигини, халқимиз осойишталигини Аллоҳдан сўраб дуо қиламиз. Мустақил юртимиз осмони доимо мусоффо, тинчлигимиз барқарор, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Аюбхон ҚУДРАТОВ,
Китоб туманидаги
“Шайх Шамсиддин кулол” жоме
масжиди имом-хатиби

ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛГАН
ДАРОВАДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг амалдаги Солиқ кодекси 378-моддасида Солиқ солинмайдиган даромадларнинг бир қанча турлари белгилаб қўйилган. Шулар қаторида деярли барчамизнинг ҳаётимизда учраб турадиган ва солиқ ҳисоблаб келинаётган, аслида эса солиқдан озод этилган даромадимиз ҳам киритиб ўтилганини биласизми?



Ушбу модданинг 3-кичик бандида ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек, иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари солиққа тортилмаслиги айтилган. Ва ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек, соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўл-

жалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса – унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишдан озод қилиниши қайд этилган.

Соддароқ қилиб айтганда, мазкур бандда айтилганидек, иш берувчи томонидан ўз ходимларига соғлиқларини тиклаш учун тўлаб берилаётган моддий ёрдам пулларига ҳар қандай ҳолатда ҳам даромад солиғи ҳисобланмаслиги лозим.

Нажмиддин МАМАДАЛИЕВ,
Мирзачўл туман адлия бўлими
юридик хизмат кўрсатиш маркази
бош юрисконсулти

НОТАРИУС КУНДАЛИГИ

ҲАЁТ турли тасодифлардан, оқ ва қора ранглардан, яхши ва гоҳида кўнгилсиз хотиралардан иборат. Нотариус бўлиб ишлаган давримдаги ушбу воқеа ҳаётимдаги нохуш ҳикояга айланиб қолган.

ОРАМИЗДА
КЎЗИ ЭМАС, ҚАЛБИ ОЖИЗ
ОДАМЛАР БОР

Нотариус бўлиб ишлаган вақтларимда (тахминан 2002 йилларда бўлган воқеа) ёш йигит келиб “Опа, квартира сотиб олаяпман, шунга қанақа ҳужжатлар керак бўлади?”, деб сўради. Мен унга ўша вақтда амалда бўлган қонунчилик юзасидан қандай ҳужжатлар тақдим этилиши тўғрисида маслаҳат бердим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан ўша йигит идорамизга чамаси 80 ёшдан ошган бўлса-да, анча тетик ва ўзига ишонган отахон ва яна бир аёлни бошлаб келди. Мен уларнинг ҳужжатларини кўздан кечирганимда, уйни сотаётган фуқаронинг паспорти эски яъни “ЎзССР (қизил) паспорти” эканлигини кўриб, уни Ўзбекистон Республикаси паспортига алмаштириш кераклигини айтдим ва қолган ҳужжатларини шартнома лойиҳасини тузиш учун олиб қолдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, отахон янги паспорт билан келди, квартира олди-сотди шартномаси расмийлаштирилди.

Шундан сўнг тахминан 3 ойлар ўтгач, суддан чақирув қоғози ва ўша нотариал ҳаракат билан боғлиқ ҳужжатларни судга тақдим этишм кераклиги тўғрисида хат келди. Суд жараёнида “сотувчи” иштирок этмасдан, унинг вакили сифатида адвокат катнашди. Адвокат сотувчининг кўзи ожизлигини, у шартномани имзоламаганлигини, имзо қалбақлаштирилганлигини, бундан ташқари, рўйхатда турган қизи ҳам розилик аризасида имзо қўйган бўлса-да, квартиранинг сотилиши ҳақида билмаганлигини айтиб, нотариал ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишни сўради.

Бу ҳолатдан ҳангу манг бўлиб қолдим. Наҳотки, ёши бир жойга бориб қолган отахон шундай қилса? Нега, қандай сабаб уни менга нисбатан тўхмат қилишга ундади экан? Шундай саволлар билан, суддан отахоннинг ўзи билан юзлаштиришни сўрадим. Судья талабномани қаноатлантириб, судни сайёр тартибда отахон яшаб турган хонадонда ўтказишга қарор қилди. Квартирага кирганимизда отахон тўшакда ётган ҳолатда, қўлида тасбеҳ, қора кўзойнак тақиб олган ва ҳар замонда тасбеҳ ўғириб, нима-ларнидир пичирлаб турар эди. Гўёки, бизни эшитмаяпти ҳам, кўрмаяпти ҳам.

Сайёр тартибда судни ўтказиш ҳақида талабнома берганим учун, аввалло, менга сўз беришди. Мен отахонга ўзимнинг қимлигимни таништириб, “Отахон, эслайсизми, сиз, қизингиз, раҳматли аёлингизнинг жиянлари билан келиб, квартирангизни олди-сотди

қилган эдингиз. Ўшанда кўзингиз кўрар эди. Фақат рост гапиринг, илтимос, ахир ёшингиз анчага бориб қолган. Лекин мен сизни жуда яхши эслайман, ўшанда паспортингиз эски эди, янгилаб келинг, деб қайтарган эдим. Кейин янгилаб келгандингиз. Квартирани сотдингизми, пулини олдингизми, деб сўраганимда, “Ха олдим, катта қизимга бердим, у сизгисига уй олиб беради”, дегандингиз. Илтимос, ёлғон гапирманг, Аллоҳдан кўрқинг, деб айтишимни биламан, адвокат ўрнидан сапчиб туриб, менга қарата: “Сиз отахоннинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урялпсиз, бундай савол беришга, Аллоҳни ўртага қўйишга ҳаққингиз йўқ”, – деб, отахонни гапиртиришга қўймади ва суд ишни бошқа кунга қолдирди. Ўша кунги ҳолатимни ҳалигача унутолмайман. Наҳотки, ёши бир жойга бориб қолган кекса одам актёрлик қилаётган бўлса?!

Кейинги суд мажлисига чақирув қоғози келганида, ишни менинг иштирокимизсиз қўришларини ва ҳеч қандай хатога йўл қўймаганимни айтиб, ёзма хабар жўнатдим. Ўша кунни Яратган ёмонларни фош қиламан ёки яхшиларни қўллаيمان деса, уни ҳеч қандай куч тўхтата олмаслигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Нега дейсизми? Чунки ўша кунни, яъни суд тайинланган кунда урни сотиб олувчининг адвокати эрталаб ишга кетаётди, (уйни сотувчи яъни ўзини “кўзи ожиз” қилиб кўрсатаётган киши билан қўшни “дом”да турар экан) “сотувчи”ни, яъни биз сайёр судга борган кунда кўзи ожиз бўлиб, га-

пира олмай ётган кишини қўлида сумка билан дўконга кетаётганлигини кўриб, ҳайратланиб, уни кузатибди. Мобиль телефонининг видео камерасини ёқиб, унинг паспортингиз эски эди, янгилаб келинг, деб қайтарган эдим. Кейин янгилаб келгандингиз. Квартирани сотдингизми, пулини олдингизми, деб сўраганимда, “Ха олдим, катта қизимга бердим, у сизгисига уй олиб беради”, дегандингиз. Илтимос, ёлғон гапирманг, Аллоҳдан кўрқинг, деб айтишимни биламан, адвокат ўрнидан сапчиб туриб, менга қарата: “Сиз отахоннинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урялпсиз, бундай савол беришга, Аллоҳни ўртага қўйишга ҳаққингиз йўқ”, – деб, отахонни гапиртиришга қўймади ва суд ишни бошқа кунга қолдирди. Ўша кунги ҳолатимни ҳалигача унутолмайман. Наҳотки, ёши бир жойга бориб қолган кекса одам актёрлик қилаётган бўлса?!

Кейинги суд мажлисига чақирув қоғози келганида, ишни менинг иштирокимизсиз қўришларини ва ҳеч қандай хатога йўл қўймаганимни айтиб, ёзма хабар жўнатдим. Ўша кунни Яратган ёмонларни фош қиламан ёки яхшиларни қўллаيمان деса, уни ҳеч қандай куч тўхтата олмаслигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Нега дейсизми? Чунки ўша кунни, яъни суд тайинланган кунда урни сотиб олувчининг адвокати эрталаб ишга кетаётди, (уйни сотувчи яъни ўзини “кўзи ожиз” қилиб кўрсатаётган киши билан қўшни “дом”да турар экан) “сотувчи”ни, яъни биз сайёр судга борган кунда кўзи ожиз бўлиб, га-

пира олмай ётган кишини қўлида сумка билан дўконга кетаётганлигини кўриб, ҳайратланиб, уни кузатибди. Мобиль телефонининг видео камерасини ёқиб, унинг паспортингиз эски эди, янгилаб келинг, деб қайтарган эдим. Кейин янгилаб келгандингиз. Квартирани сотдингизми, пулини олдингизми, деб сўраганимда, “Ха олдим, катта қизимга бердим, у сизгисига уй олиб беради”, дегандингиз. Илтимос, ёлғон гапирманг, Аллоҳдан кўрқинг, деб айтишимни биламан, адвокат ўрнидан сапчиб туриб, менга қарата: “Сиз отахоннинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урялпсиз, бундай савол беришга, Аллоҳни ўртага қўйишга ҳаққингиз йўқ”, – деб, отахонни гапиртиришга қўймади ва суд ишни бошқа кунга қолдирди. Ўша кунги ҳолатимни ҳалигача унутолмайман. Наҳотки, ёши бир жойга бориб қолган кекса одам актёрлик қилаётган бўлса?!

Кейинги суд мажлисига чақирув қоғози келганида, ишни менинг иштирокимизсиз қўришларини ва ҳеч қандай хатога йўл қўймаганимни айтиб, ёзма хабар жўнатдим. Ўша кунни Яратган ёмонларни фош қиламан ёки яхшиларни қўллаيمان деса, уни ҳеч қандай куч тўхтата олмаслигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Нега дейсизми? Чунки ўша кунни, яъни суд тайинланган кунда урни сотиб олувчининг адвокати эрталаб ишга кетаётди, (уйни сотувчи яъни ўзини “кўзи ожиз” қилиб кўрсатаётган киши билан қўшни “дом”да турар экан) “сотувчи”ни, яъни биз сайёр судга борган кунда кўзи ожиз бўлиб, га-

Насиба ЖўРАЕВА,
Ўзбекистон Нотариал палатаси
Бухоро вилоят ҳудудий
бошқармаси маслаҳатчиси